

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2022 йил май ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи судья Т.Я.Хайдаров, суд мажлиси баённомасини юритувчи – судья ёрдамчиси Ш.Хамзалиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ангрен шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ғ.Э.Дехқонов, судланувчи Ж.Р.Эшимов ва унинг ҳимоячиси “АВАЗБЕК КАРИМОВ” адвокатлик бюроси адвокати А.Каримов, жабрланувчи А.М.Кадированинг иштирокида, Эшимов Жалолиддин Расулжановичга нисбатан 1-1104-2201/135-сонли жиноят иши кўриб чиқди. Иш хужжатларига кўра:

Эшимов Жалолиддин Расулжанович (ESHIMOV JALOLIDDIN RASULJANOVICH), 1992 йил 22 март куни Тошкент вилояти, Ангрен шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, турмуш ўртоғидан ажрашган, икки нафар фарзандли, Ангрен шаҳар “АВА GTS GROUP” ҚК МЧЖ да навбатчи қўриқчи бўлиб ишловчи, муқаддам судланган, яъни

1) жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 04.06.2010 йилдаги ҳукмига кўра Ўз.Р. ЖК 169-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 83-моддаси тартибида ҳар ойлик иш ҳақидан давлат даромадига 20% ундирилган ҳолда 1 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 15.10.2010 йилдаги ажримига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 28.08.2010 йилдаги “...Амнистия тўғрисида” ги Қарорининг 1-банди “б” кичик бандига асосан жазодан озод қилинган,

2) жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 23.01.2017 йилдаги ҳукмига кўра Ўз.Р. ЖК 166-моддаси 2-қисмининг “г” банди ва 169-моддаси 2-қисмининг “г” банди билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59,62-моддасига асосан 3 йил 10 ой 13 кун озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 27.03.2017 йилдаги ажримига кўра Ўз.Р. ЖК 48¹-моддасининг 6-қисмига асосан ўталмай қолган 3 йил 9 ой 26 кун озодликни чеклаш жазоси, шу муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган,



жиноят ишлари бўйича Зангиота туман судининг 03.06.2018 йилдаги ажримига кўра Ўз.Р. ЖКнинг 74-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 10 ой 16 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси, шу муддатга ҳар ойлик иш ҳақидан давлат даромадига 20% ундирилган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилган,

жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 24.01.2019 йилдаги ажримига кўра Ўз.Р. ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 1 ой 23 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган,

3) жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 15.12.2020 йилдаги ҳукмига кўра Ўз.Р. ЖК 109-моддасининг 1-қисми ва 111-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорида 3.345.000 сўм жарима жазоси ва ҳар ойлик иш ҳақидан давлат даромадига 20% ундирилган ҳолда 2 йил 1 ой 23 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган,

жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 16.07.2021 йилдаги ажримига кўра Ўз.Р. ЖКнинг 44-моддасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 13 барвари, яъни 2.899.000 сўм жарима жазоси 24 кун муддатга ҳар ойлик иш ҳақидан давлат фойдасига 20% ундирилган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, алмаштирилган 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ўталмаган 1 йил 10 ой 7 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тўлиқ қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун 1 йил 11 ой 1 кун муддатга ҳар ойлик иш ҳақидан давлат фойдасига 20% ундирилган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси 1 йил 1 ой 18 кунни ташкил қилувчи,

Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар, “Чотқол” маҳалласи, И.Муллажонов кўчаси, 16-уйда истиқомат қилувчи, эҳтиёт чораси сифатида “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилҳат” қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2022 йил 26 март куни олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан айбланган.



Суд судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилиларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Эшимов Жалолиддин Расулжанович фуқаролик ишлари бўйича Охангарон туманлараро судининг 2015 йил 9 декабрь кунидаги ҳал қилув қарорига асосан 15.01.1991 йил туғилган Кадилова Адолат Махмудовнанинг фойдасига икки нафар вояга етмаган, 14.11.2012 йил туғилган Расулжонова Ясмينا Жалолиддиновна ва 17.09.2015 йил туғилган Расулжонов Жавохир Жалолиддиновичларнинг моддий таъминоти учун барча ойлик даромадларини 1/3 қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган бўлсада, икки ойдан ортиқ муддатда, 2019 йил январь ойидан 2021 йил 1 март куни қадар 39 ой давомида жами 40.475.645,04 сўм миқдорида алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

2021 йил 13 октябрь кунидаги жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг қарорига кўра, Эшимов Жалолиддин Расулжанович алимент тўлашдан қасддан бўйин товланганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, 15 сутка маъмурий қамоқ билан жазоланган.

Судланувчи Эшимов Жалолиддин Расулжанович ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, у 2012 йил июнь ойида Ангрен шаҳар “Майдон” маҳалласи яшовчи Кадилова Адолат Махмудовна билан қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қургани, турмушлари давомида 2012 йил 14 ноябрь куни катта фарзанди Расулжонова Ясмينا Жалолиддиновна ва 2015 йил 17 сентябрь куни Расулжонов Жавохир Жалолиддиновичлар туғилгани, 2015 йил тахминан декабрь ойларидан бошлаб, собиқ турмуш ўртоғи Кадилова Адолат билан ўрталарида турли оилавий келишмовчилик келиб чиқа бошлагани, 2015 йил 9 декабрь кунидаги фуқаролик ишлари бўйича Охангарон туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан собиқ турмуш ўртоғи Кадилова Адолат Махмудовна фойдасига икки нафар вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун барча ойлик даромадларини 1/3 қисми миқдорида ҳар ойда алимент ундириш белгилангани, алимент ундириш бўйича ижро иши қўзғатилганидан кейин у дастлабки пайтларда алимент пулларини тўлаб юргани, лекин кейинчалик оилавий шароити оғирлашганлиги сабабли алимент пулларини ўз вақтида тўлай олмагани, кейинчалик 2019 йилда тахминан қиш фаслида Кадилова Адолат унга “алимент пулларинг керак эмас, сендан пул олмайман” деб, ундан алимент пулларини олишни рад



қилгани, шундан кейин алимент пулларини тўлашни тўхтатгани, 2021 йил тахминан сентябрь ойининг бошларидан Кадирова Адолат ундан яна Мажбурий ижро бюроси Ангрен шаҳар бўлими ходимлари орқали алимент пуллари беришини талаб қила бошлагани, у ишламаётган ва шароити оғир бўлганлиги сабабли алимент пулларини тўлай олмагани, алимент пулларини тўлай олмаганлиги сабабли 2021 йил 13 октябрь кунидан унга нисбатан тўпланган хужжатлар жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судига юборилгани, 2021 йил 13 октябрь куни суди томонидан 15 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинлангани, маъмурий қамоқ жазоси ўтаб чиққанидан кейин ҳам оилавий шароити оғирлиги ва ҳеч қаерда ишламаётганлиги сабабли алимент пулларини тўлай олмагани, Мажбурий ижро бюроси давлат ижрочи томонидан алимент пуллари ҳар ойда белгиланган миқдорда алимент пулларини тўлаб боришлиги ҳақида бир неча марта огоҳлантирилгани, моддий ахволи яхши бўлмаганлиги сабабли алимент пулларини тўлаш имконияти бўлмагани, ҳозир ишга кирганини, алимент пулларидан бўлган қарздорлигини ойлик иш ҳақидан бўлиб-бўлиб тўлаб бориш чорасини кўраётганини, у ҳар ойда алимент пулларини тўлашим лозимлигини билганини ва бу алимент пулларини имконияти бўлмаганлиги учун тўлай олмагани, ҳозирги кунда алиментдан бўлган қарздорлиги 40 млн. сўмдан ортиқни ташкил қилганини, алиментдан қарздорлиги ҳақида давлат ижрочиси томонидан огоҳлантирилганини, у ҳозирги кунда алиментдан жами бўлиб 40.475.645 сўм миқдорда қарздорлигини, у дастлабки тергов ва суд жараёни давомида ушбу зарарнинг 16.980.000 сўми қопланганини, зарарнинг қолдиқ қисми 23.495.645 сўмни ташкил қилишини, бугунги кунда ушбу зарарни қолдиқ қисмини тўлиқ қоплашга имконияти йўқлигини, ишлаб секин-секин тўлашлигини, ушбу зарарни ойлик иш ҳақиға қаратиб беришни сўрашлигини, ўзи қилмишидан чин дилдан пушаймонлигини, ўзига нисбатан енгилроқ ва озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чорасини қўллашни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Кадирова Адолат Махмудовна суд мажлисида, у 2012 йил 12 июнь куни Ангрен шаҳар И.Муллажонов кўчаси 16-уйда яшовчи Эшимов Жалолиддин Расулжанович билан қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш қургани, турмуши давомида икки нафар, яъни 2012 йил 14 ноябрь куни катта фарзанди Расулжонова Ясмина Жалолиддиновна ва 2015 йил 17 сентябрь куни Расулжонов Жавохир Жалолиддиновичлар туғилгани, Эшимов Жалолиддин Расулжанович билан турмуш қурган вақтларидан бошлаб, Ж.Эшимов муттасил равишда спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги сабабли оиласида жанжал кўп бўлганини, 2016 йил



тахминан май ойларида муттасил равишда оиласида келишмовчилик бўлавергани сабабли Эшимов Жалолиддин Расулжанович билан бирга яшамай қўйганини, Эшимов Жалолиддин билан бирга яшамай қўйганидан кейин икки нафар вояга етмаган фарзандлари билан бирга, уни қарамоғида қолганини, у Эшимов Жалолиддин билан бирга яшаб юрган вақтида Эшимов Жалолиддин уйдан кўп ҳайдаб юбораверганлиги учун 2015 йил декабрь ойида фуқаролик ишлари бўйича Охангарон туманлараро судига вояга етмаган фарзандларининг моддий таъминоти учун алимент ундиришлик тўғрисида қарор чиқаришлигини сўраганини, 2015 йил 9 декабрь кунидаги фуқаролик ишлари бўйича Охангарон туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан Эшимов Жалолиддин Расулжановичдан уни фойдасига барча ойлик даромадларини 1/3 қисми миқдоридан алимент ундириш белгиланганини, алимент белгиланган вақтида дастлабки биринчи ойда Ж.Эшимов алимент пулларини тўлаб юрганини, лекин содир этган жинояти сабабли озордлик махрум қилинганидан сўнг, алимент беришни тўхтатганини, Ж.Эшимов озодликка чиққанидан сўнг, унга белгиланган аҳлоқ тузатиш ишлари жазосини ўташлик учун ишга кирганини ва 7-8 ой давомида алимент пуллари иш жойидан ўтиб турганини, лекин нима сабабдандир Ж.Эшимов ишдан бўшаганидан сўнг, алимент пулларини тўламасдан қўйганини, шу кунга қадар ҳам алимент пулларини тўлашдан бўйин товлаб келаётганини, Ж.Эшимов томонидан алимент пуллари ўз вақтида тўланмасдан, Ж.Эшимов алимент пулларини тўлашдан бўйин товлаб юрганлиги сабабли Мажбурий ижро бюроси Ангрен шаҳар бўлими ходимлари томонидан Ж.Эшимовга нисбатан тўпланган хужжатлар жиноят ишлари бўйича судга юборилганини, 2021 йил 13 октябрь куни Ж.Эшимовга нисбатан тўпланган хужжатлар жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар суди томонидан кўриб чиқилиб, у Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддасида кўрсатилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган деб топилиб, унга нисбатан 15 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланганини, Ж.Эшимов маъмурий жазосини ўтаб чиққанидан кейин ҳам алимент пулларини тўлаш чорасини кўрмаганини, Мажбурий ижроси бюроси Ангрен шаҳар бўлими ходимлари томонидан Ж.Эшимов бир неча марта огоҳлантирилган бўлса-да, алимент пулларини тўлашдан бўйин товлаб юрганини, Мажбурий ижро бюроси Ангрен шаҳар бўлими ходимлари томонидан Эшимов Жалолиддин Расулжановичнинг алимент бўлган қарздорлиги ҳисобланган вақтида унинг алиментдан бўлган қарздорлиги 2019 йил январь ойидан 2022 йил йил 1 март кунига қадар жами 39 ой давомида жами 40.475.645 сўм 4 тийинни ташкил



қилганини, Ж.Эшимов ушбу қарздорликни тўлаш чорасини умуман кўрмаганини, Ж.Эшимовдан алимент пулларини тўлашдан бўйин товлаб, маъмурий жавобгарликка тортилганлигидан кейин алимент пулларини тўламасдан, қонун талабларини бузиб юрганлиги сабабли уни фойдасига алимент пулларини ундириш, шунингдек, алимент ундириш бўйича белгиланган қонунларни менсимасдан бузиб юрганлиги сабабли унга нисбатан қонуний чора кўрилишини сўраб ариза билан муружаат қилганини, судланувчи унга алимент қарздорлиги бўйича жами бўлиб 40.475.645 сўм миқдоридан зарар етказганини, шу кунга қадар судланувчи ушбу зарарнинг 16.980.000 сўмини қопланганини, зарарнинг қолдиқ қисми 23.495.645 сўмини ташкил қилишини, судланувчидан алиментдан бўлган қарздорликни қолдиқ қисмини тўлиқ қоплаб беришини сўрашини, акс ҳолда судланувчига нисбатан қонуний озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида, судга узрли сабаблар билан келмаган гувоҳ Нишонов Фаррух Абдиқаримовичнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилди.

Суд давлат айбловчисининг хулосасини, адвокатнинг химоя нутқини, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб, Ж.Р.Эшимовнинг жиноят содир этганликдаги айби, унинг айбига тўлиқ иқроп бўлиб берган кўрсатувлари, жабрланувчининг аризаси ва кўрсатувлари, тушунтириш хатлари, фуқаролик ишлари бўйича суднинг буйруғи, огоҳлантириш хатлари, маълумотномалар, сўроқ баённомалари, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа хужжатлар тасдиғини топди.

Эшимов Жалолиддин Расулжановичнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган, чунки у моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлагани учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил

10 апрелдаги “Суд хужжатларини бажаришдан бўйин товлаш ва уларнинг ижро этилишига тўсқинлик қилиш учун жиноий жавобгарликка доир қонунларни қўллашнинг айрим



масалалари тўғрисида” ги 7-сонли Қарорининг 15-бандида “Суриштирув, тергов органлари ва судларга тушунтирилсинки, шахсни вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик, шунингдек ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарликка тортиш учун қарздорликнинг умумий муддати кетма-кетлигидан қатъий назар икки ойдан ортиқ бўлиши лозим. Бунда, вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш деб, шахснинг суд ҳужжатида белгиланган алимент миқдорини тўлиқ ҳажмда тўламаслиги ҳолати ҳам тушунилиши лозим.” деб кўрсатилган ҳамда 16-бандида “Шуни назарда тутиш лозимки, Оила кодексининг 140-моддаси мазмунига кўра, агар алимент тўлаши шарт бўлган шахс муайян даврда ишламаган бўлса, алимент бўйича қарз қарз ундирилаётган пайтдаги Ўзбекистон Республикасидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори бўйича ҳисоблаб чиқилади. Оила кодексининг 141-моддаси талабларидан келиб чиқиб, суд ҳужжатида белгиланган миқдордаги алимент қарзларини тўлашдан тўла ёки қисман озод этишга фақат суд тартибида йўл қўйилади. Шу боис, алимент тўлашдан тўла ёки қисман озод этиш тўғрисида суд қарори мавжуд бўлмаган тақдирда, шахснинг моддий ва оилавий шароити оғирлигини важ қилиб, алимент тўлашдан бўйин товлаши ЖК 122-моддаси билан жиноий жавобгарликни истисно қилувчи ҳолат сифатида қабул қилинмаслиги лозим.” деб кўрсатилган раҳбарий кўрсатмаларини инобатга олади.

Суд судланувчи Эшимов Жалолиддин Расулжановичга жазо турини ва миқдорини белгилашда жиноятни қасддан содир этилганлигини, унинг шахсини, ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, қилмишидан чин дилдан пушаймонлигини, иш бўйича етказилган моддий зарар қисман қопланганини, шунингдек бошқа ҳолатларни, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлик даражасини, айбдорнинг шахсини эътиборга олиб, уни жамиятдан ажратмасдан туриб тарбиялаш мумкин эмас деган хулосага келиб, унга нисбатан у айбли деб топилган модданинг санкцияси доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашни лозим деб топади.

Шунингдек, суд судланувчи Эшимов Жалолиддин Расулжанович жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 15.12.2020 йилдаги ҳукмига кўра Ўз.Р. ЖК 109-моддасининг 1-қисми ва 111-моддасининг 1-қисми билан ЖКнинг 59,60,61-моддалари тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдорида 3.345.000 сўм жарима жазоси ва ҳар ойлик иш ҳақидан давлат даромадига 20% ундирилган ҳолда 2



йил 1 ой 23 кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганини, жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 16.07.2021 йилдаги ажримига кўра Ўз.Р. ЖКнинг 44-моддасига асосан базавий ҳисоблаш миқдорининг 13 барвари, яъни 2.899.000 сўм жарима жазоси 24 кун муддатга хар ойлик иш ҳақидан давлат фойдасига 20% ундирилган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, алмаштирилган 24 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ўталмаган 1 йил 10 ой 7 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тўлиқ қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлик учун 1 йил 11 ой 1 кун муддатга хар ойлик иш ҳақидан давлат фойдасига 20% ундирилган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганини, ўталмай қолган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси 1 йил 1 ой 18 кунни ташкил қилишини, у жазонинг ўталмаган қисми мобайнида, қасддан янги жиноят содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ушбу Кодекснинг 60,61-моддаларида назарда тутилган қоидаларга мувофиқ жазо тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Шу билан бирга суд, судланувчи Эшимов Жалолиддин Расулжановичга тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ тартибини белгилашга тўхталар экан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 50-моддаси 7-қисмининг «в» бандида «илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиқиб, қасддан яна янги содир этган жинояти учун ҳукм қилинаётганларга нисбатан жазони қаттиқ тартибли колонияларда ўташ тайинланади» деб белгиланганлигидан келиб чиққан ҳолда, у муқаддам қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаб чиққанлигини, сўнг судланганлик ҳолати тугалланмай яна қасддан янги жиноят содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ушбу ҳукм билан тайинланадиган озодликдан маҳрум этиш жазосини қаттиқ тартибли колонияда ўтатиришликни белгилашни лозим деб топади.

Шунингдек суд, иш бўйича судланувчи томонидан етказилган зарарни қопланишини муҳокама қилиб, Эшимов Жалолиддин Расулжанович томонидан жабрланувчи Кадирова Адолат Махмудовнага жами бўлиб 40.475.645 сўм миқдоридан зарар етказилганлигини, судланувчи томонидан ушбу зарарнинг 16.980.000 сўми қопланганини, зарарнинг қолдиқ қисми 23.495.645 сўмни ташкил қилишини, ҳозирги кунда ушбу зарар қопланмаганлигини инбатга олиб, судланувчидан жабрланувчи фойдасига етказилган зарарнинг қолдиқ қисми 23.495.645 сўмни ундиришни лозим деб топади.

Суд шунингдек, манфаатдор шахсларга етказилган маънавий зарарларни ундириш масаласи юзасидан фуқаролик



ишлари бўйича судга даъво келтириш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 май кундаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли Қарори, 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси ЖПК 454, 463, 465-468, 472-473, 479-моддаларини раҳбарликка олиб, суд ҳукми қилади:-

Х У К М:

Эшимов Жалолиддин Расулжанович (ESHIMOV JALOLIDDIN RASULJANOVICH) - Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг

1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Эшимов Жалолиддин Расулжановичга Ўзбекистон Республикаси ЖК 122-моддасининг 1-қисми билан 7 (етти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Эшимов Жалолиддин Расулжановичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60 ва 61-моддаларига асосан жиноят ишлари бўйича Ангрен шаҳар судининг 15.12.2020 йилдаги ҳукмига кўра тайинланган жазонинг ўталмаган қисмини мазкур ҳукм билан тайинланган жазога қисман қўшиш йўли билан 8 (саккиз) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси қаттиқ тартибли колонияда ўтатирилсин.

Жазо муддати 2022 йил 5 май кунидан ҳисоблансин.

Унга нисбатан қўлланилган «муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилҳат» тарзидаги эҳтиёт чораси «қамоқ» эҳтиёт чорасига ўзгартирилсин ва дархол суд залида қамоққа олинсин.

Судланувчи Эшимов Жалолиддин Расулжановичдан жабрланувчи Кадирова Адолат Махмудовна фойдасига етказилган зарарнинг қолдиқ қисми 23.495.645 (йигирма уч миллион тўрт юз тўқсон беш минг олти юз қирқ беш) сўм ундирилсин.

Манфаатдор шахсларга етказилган маънавий зарарларни қоплаш масаласи юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судга даъво ариза билан мурожаат қилишлари мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма суткалик муддат ичида, судланувчи ва жабрланувчи эса ҳукм нусхасини олгандан сўнг шу муддат



ичида шу суди орқали Тошкент вилоят судининг жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест келтиришлари мумкин.

Раислик қилувчи судья
Т.Хайдаров

Маърузачи: Очилов Улуғбек Сайдирасулович



Ҳужжат имзоланган: Очилов Улуғбек Сайдирасулович, 20.06.2022

